**Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва тиббибёт ташкилотлари ўртасида**

**2025 йил 18 апрел ҳолатига тузилган шартномалар бўйича**

# МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-1011-сон Қонуни билан тасдиқланган Жамғарма кузатув кенгашининг тегишли баёни билан тақсимланган маблағлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда- Жамғарма) ва тиббиёт муассасалари ўртасида **2025 йил 1-ярим йиллиги учун *жами 10 173,9 млрд сўмга 553 та шартнома* расмийлаштирилган**.

Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон қарорига мувофиқ** ҳудудлар маҳаллий бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар тиббиёт муассасалари билан Жамғарма ўртасида кафолатланган пакет доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар хариди бўйича жами **9901,9 млрд сўмга 428 та шартнома** тузилган.

*Шу жумладан, ҳудудлар кесимида шартномалар қуйидагича:*

- Сирдарё вилояти бўйича **26 та 459,6 млрд.сўмга**, шундан вилоят муассасалари **185,5 млрд сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **274,1 млрд сўм;**

- Тошкент шаҳри бўйича **63 та 1040,2 млрд сўмга**, шундан шаҳар муассасалари **539,1 млрд.сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **501,1 млрд сўм;**

- Қорақалпоғистон Республикаси бўйича **42 та 979,4 млрд сўмга**, шундан республика муассасалари **350,3 млрд.сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **629,1 млрд сўм;**

- Бухоро вилояти бўйича **32 та 998,3 млрд.сўмга**, шундан вилоят муассасалари **383,5 млрд сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **614,8 млрд сўм;**

- Қашқадарё вилояти бўйича **37 та 1212,1 млрд сўмга**, шундан вилоят муассасалари **392,1 млрд сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **820,0 млрд сўм;**

- Навоий вилояти бўйича **27 та 647,9 млрд сўмга**, шундан вилоят муассасалари **229,4 млрд.сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **418,5 млрд сўм;**

- Самарқанд вилояти бўйича **36 та 1450,9 млрд сўмга**, шундан вилоят муассасалари **511,6 млрд.сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **939,3 млрд сўм;**

- Хоразм вилояти бўйича **33 та 809,6 млрд сўм**, шундан вилоят муассасалари **283,3 млрд.сўм** ва ТТБ (ШТБ)лар **526,3 млрд сўм**;

- Андижон вилояти бўйича **19 та** вилоят муассасалари билан **465,7 млрд сўмга**;

- Жиззах вилояти бўйича **19 та** вилоят муассасалари билан **247,8 млрд сўмга**;

- Наманган вилояти бўйича **18 та** вилоят муассасалари билан **412,1 млрд сўмга**;

- Сурхондарё вилояти бўйича **23 та** вилоят муассасалари билан **354,8 млрд сўмга**;

- Тошкент вилояти бўйича **22 та** вилоят муассасалари билан **321,2 млрд сўмга**;

- Фарғона вилояти бўйича **31 та** вилоят муассасалари билан **502,3 млрд сўмга** шартномалар тузилган.

Шунингдек, Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга электрон йўлланма асосида кўрсатилган тиббий ёрдам харажатларини қоплаш мақсадида Жамғарма томонидан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сон** қарорига асосан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва тиббиёт ташкилотлари билан давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар доирасида жами **272,0 млрд сўмга 125 та шартнома имзоланган.**

*Шу жумладан:*

- Республика ихтисослаштирилган марказлари билан **14 та шартнома 106,9 млрд сўмга**;
- Республика шифохоналари билан **21 та шартнома 100,3 млрд.сўмга**;
- Худудий тиббиёт муассасалари бўйича **44 та шартнома 45,1 млрд.сўмга**;
- Нодавлат тиббиёт муассасалари бўйича **46 та шартнома 19,6 млрд.сўмга**.

Ҳозирги кунда мазкур тузилган шартнома шартларига биноан тиббиёт ташкилотларига белгиланган тартибда кафолатланган пакет доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар хариди ва имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий ёрдам харажатларини қоплаш бўйича ойма-ой олдиндан тўловлар ҳамда ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун Жамғарма томондан тўловлар амалга оширилмоқда.

О.Раджабов

18.04.2025 йил